



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари	5
Умар Худайбердиев “Яшил” иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омиллари	9
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантиришда электрон иқтисодиёт воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	12
Sirojiddin Abdullayevich Maxmudov Raqamli iqtisodiyot sharoitda elektron savdoning rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar	16
Jonibek Adxam o'g'li Maxmudov Mintaqani barqaror rivojlantirishda turizm sohasidagi tarkibiy o'zgarishlar va ularda raqamli texnologiyalarning ahamiyati	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Бекзод Низамкулович Атамуродов Respublikamizda maxsus iqtisodiy zonalarining bugungi kundagi holati tahlili	28
ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Камбағалликни қисқартиришда иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари	31
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Тулкин Саидахмедович Шарипов Овқатлантириш хизматларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятлари	39
Шохида Ильясовна Артикова, Дилафруз Бахриллоевна Абдуллаева Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики	43
Zafarjon A'zamovich Axmedov Tibbiy xizmatlari bozorida iste'molchi (bemor)larning talabini baholash borasida yondoshuvlari	47
Мурод Нозирович Ибрагимов Совершенствование формы и содержания технического задания на оказание консультационных услуг	51
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда innovatsion jarayonlarning xususiyatlari	57
Nasiba Ergasheva Keytering outsorsing xizmatlarini rivojlantirishning zamonaviy tryendi sifatida	62
Khudoynazar Ergashev, Azizbek Khabibullaev, Odiliya Soibnazarova Supporting the service sector from the state government mechanism	66

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ докторанти

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ВИРТУАЛЛАШТИРИЛГАН ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ИҚТИСОДИЁТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантириш учун, аввало унинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек улар ўртасида эркин бозор муносабатларини қарор топтириш лозимлиги ёритилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, виртуал хизматлар, электрон иқтисодиёт, виртуаллаштирилган инновацион инфратузилма, интеграцион алоқалар, иқтисодиётни рақамлаштириш.

Кириш. Замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши янги технология ва илмий-техникавий инновацион фаолиятга асосланади. Хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантириш шулар жумласига киради. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳасини виртуаллаштириш жараёни тез суръатлар билан амалга ошмоқда. Виртуал хизматларни кўрсатиш баъзи иқтисодий муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Масалан, аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражаси ошади, бўш вақти кўпаяди, янги иш ўринлари пайдо бўлади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади. Айниқса, пандемия ва глобал муаммолар даврида хизматлар соҳасини виртуаллаштириш аҳолига энг қулай восита сифатида эътироф этилди. Шу боис, хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида¹, олий таълим муассасаларида² хизматларни виртуаллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилаёпти. Аммо назарий тадқиқотларимиз хизмат кўрсатиш соҳасини виртуаллаштириш жараёнида электрон иқтисодиёт воситаларидан фойдаланишнинг илмий ва ташкилий шартлари эътибордан четда қолиб кетаётганлигини ва бу борада тадқиқот ишлари етарли эмаслигини кўрсатди. Баъзи тадқиқот ишларида³ виртуал хизмат кўрсатиш жараёнини инсониятга хос ҳаракат тури сифатида қараб, инновацион инфратузилмани шакллантириш билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётда виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантириш учун аввало ташкилий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек улар ўртасида эркин бозор муносабатларини қарор топтириш лозим. Бу борада маҳаллий олимларимиздан А.М.Қодиров қуйидаги фикрларни билдирган: «....бунга интеллектуал мулк ва инновацион инфратузилма объектлари бозорларини яратиш орқали эришиш мумкин. Инфратузилма объектлари деганда, бизнес инновациялар, телекоммуникациялар ва савдо тармоқлари, технопарклар, бизнес инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, консалтинг фирмалар, молия ва бошқа тузилмалар тушунилади»⁴. Электрон иқтисодиёт воситаларини ишлаб чиқиш, айирбошлаш, тақсимлаш

¹ <https://www.unesco.org/ru>; <https://webapps.ilo.org/100/ru/>; <https://www.un.org/ru/property-cards-by-og-global-category/27320/12207>

² http://www.eoht.info/page/Brussels_school_of_thermodynamics; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.stanford.edu; www.princeton.edu; www.yale.edu; www.columbia.university; www.uchicago.edu; www.u-tokyo.ac.jp; www.ugla.edu; www.jhu.edu; www.nus.edu.sg; www.tsinghua.edu.cn; www.msu.ru; www.ru.wikipedia.org; www.nir.ru; www.gmir.ru; www.krfu.ru; www.central-asia.institute; <https://www.mpg.de/4744848/pohl>; Verified email at enr.uconn.edu; b.mukushev@kazatu.kz

³ Фуломова Г.П. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш омили сифатида. Иқтисод ва молия 2016., №7. Б. 66-73.

⁴ Қодиров А.М. ва бошқалар. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot», 2013. Б. 13.

ва улардан мақсадли фойдаланиш учун инфратузилмалар объектлари ривожланган бўлиши лозим.

Илмий мақолаларда¹, монографияларда², ўқув қўлланмаларда³ виртуал хизматларни ривожланишида инновацион инфратузилмаларнинг аҳамияти, ўрни ҳақида қимматли фикрлар, мулоҳазалар билдирилган. Ҳатто баъзилари иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасидан фойдаланишнинг илмий томонлари ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион инфратузилмалардан фойдаланишнинг ташкилий томонлари, жумладан, инновацион ғояларни амалда тадбиқ этиш, ҳамон кечиктирилмоқда. Масалан, М.Мўминованинг «Инновацион хизмат турларини жорий этиш – банкларнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг муҳим шarti» номли илмий мақоласида ушбу муаммо яққол кўрсатиб ўтилган. «.....Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки, ХАБ «Трансбанк» банкларидаги мижозлар ва ходимларидан ўтказилган сўровномаларида инновацион ғояларни қўллаш банк бошқарувига ҳам кўпроқ боғлиқ, деган жавобларни кўрсатишган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантикий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш корхоналарида виртуал хизматларни ривожлантириш учун корхоналар ўртасида интеграцион алоқалар муҳим роль ўйнайди. Бирок, Ўзбекистонда иқтисодий субъектлар ўртасида интеграцион алоқалар яхши ривожланмаган. Фақатгина, баъзи соҳаларда (давлат муассасалари, тижорат банклари, олий таълим ва солиқ идоралари ўртасида) интеграцион алоқалар анча яхши йўлга қўйилган. Уларнинг ҳам аксариятида кўрсатиладиган виртуал хизматлар турлари чекланган. Бу электрон иқтисодиёт воситалар суст ривожланганлигини англатади. Ўзбекистонда электрон иқтисодиёт воситаларини ишлаб чиқарадиган ва уларни амалда қўллайдиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берадиган олий таълим муассасалари хали ташкил этилгани ҳам йўқ. Мавжуд олий таълим муассасалари эса фақатгина нефть ва газ муҳандислиги оператори, авиация ва компьютер инжиниринги мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаб беради. Бизлар рақамли иқтисодиётда виртуал хизматларни амалга оширишда қўлланиладиган электрон иқтисодиёт воситаларини импорт қиламиз. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш корхона раҳбарларига виртуал хизматларни кўрсатиш учун инновацион ресурсларни харид қилиш қимматга тушади.

Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасида ўрнатилган интеграция алоқалари соҳадаги баъзи хизмат турларини виртуал ривожлантирди. Масалан, инвестицион фаолиятни кредитлаш, электрон савдони ривожлантириш, транспорт хизматларига буюртмалар бериш, мижозларга электрон хизматларни кўрсатиш ва бошқалар. Тижорат банклардаги виртуал хизматлар жаҳон молия бозоридаги узок муддатли стратегиясини амалга оширишда ва унинг воситасида ҳалқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларида ўтказилган тадқиқотлар ҳам виртуал хизматларни жорий этиш натижасида мижозларга фойдали даромадлар ҳажми бир неча мартага

¹ Санакулова Б.Р. Муминова Э.А. Корпоратив молиявий бошқарув жараёнига блокчейн технологиясини жорий этишнинг ютуқ ва камчиликлари. Иқтисод ва молия. 2020 йил. №1. Б.169-175.; Афасижев Т.И., Жуков Б.М., Новиков В.С. Виртуальные отношения в сфере услуг: факторы и перспективы глобализации. Экономика сервиса. 2012 // <https://cyberleninka.ru/article/n/virtualnye-otnosheniya-v-sfere-uslug-factory-i-perspektivy-globalizatsii>

² Акмаева Р.И., Афанасьева Н.В., Бабкин А.В. [и др.] Стратегическое управление устойчивым развитием экономики в новой реальности. Монография. под ред. д-ра экон. наук, проф. А. В. Бапкина. – СПб.: ПОЛИТЕХ-ПРЕСС, 2022. С. – 752.; Асланова И.В., Ашуров З.А., Бабкин А.В. [и др.] Цифровая экономика и индустрия: развития и новой реальности; Монография. под ред. д-ра экон. наук, проф. А. В. Бапкина. – СПб.: ПОЛИТЕХ-ПРЕСС, 2022. – 480 с.

³ Гаврилов Л.П. Цифровой бизнес. Учебник. Москва. 2024. – 311 с.; Головенчик Г.Г. Цифровая экономика. Учебник. Москва. 2020. – 143 с.

ошганлигини аниқлади. Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

1-жадвал маълумотлари тижорат банкларда фоизли даромадлар хажми жадал суръатларда ошиб бораётганлини кўрсатмоқда. Масалан, 2024 йилда 2023 йилга нисбатан тижорат банкларнинг фоизли даромадлар хажми 130,1 фоизга ошган. Ушбу жадвал маълумотларини синчковлик билан таҳлил қилганимизда 2024 йилдаги фоизли даромадлар хажми фоизсиз даромадлар хажмига қарганда 2,1 мартага кўплигини кўрамиз. Ушбу рақамлар ўз навбатида тижорат банкларида аҳолига кўрсатилаётган виртуал хизматлар ошиб бораётганлигидан далолат беради.

1-жадвал

Ўзбекистон банк тизимининг даромадлилик кўрсаткичлари, млрд сўм¹

Банк тизими даромадлари ва харажатлари	Йиллар						2024 йилнинг 2023 йилга нисбатан банк даромадларининг ўзгариши, %да
	2019	2020	2021	2022	2023	2024	
Фоизли даромадлар	17840,8	26719,0	34302,0	46635,0	62327,0	81032,0	130,1
Фоизли харажатлар	10877,0	16543,0	22294,0	28877,0	41231,0	56518,0	137,1
Фоизли маржа	6963,8	10176,0	12013,0	17757,0	21114,0	24514,0	116,1
Фоизсиз даромадлар	6652,7	8401,0	13372,0	25053,0	31062,0	38302,0	123,3
Фоизсиз харажатлар	2030,3	2422,0	3492,0	8385,0	8777,0	16090,0	183,3
Операцион харажатлар	4473,3	5475,0	7546,0	9995,0	13611,0	16183,0	118,8

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи тармоқлари жумладан, тижорат банклари, молия, суғурта, савдо, умумий овқатланиш, транспорт хизматлари виртуаллашган. Бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича ушбу тармоқларда аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг қарийб 55 фоизи виртуаллашган. Қолган хизмат кўрсатиш тармоқларида, таълим, медицина ва бошқаларда хизматларнинг виртуаллаштириш даражаси 10 фоизга ҳам етгани йўқ. Улардаги виртуал хизматлар фақатгина кўрсатилган хизматлар ҳақини ундиришда фойдаланилаёпти. Ваҳоланки, рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқларида виртуал хизматларни йўлга қўйиш мумкин. Масалан, соғлиқни сақлаш тармоқлари уйида даволанаётган, беморларга, имконияти чекланган кишиларга, ёлғиз яшовчиларга онлайн хизматларни таклиф қилиш мумкин.

Электрон иқтисодиёт воситалари тараққий этаётган бир вақтда улардан мақсадли фойдаланмаслик корхона раҳбарларининг катта хатоси ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт шароитида виртуаллаштириш жараёни иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини камраб олади. Бунда электрон иқтисодиётнинг воситалари муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолининг турли қатламларига ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, жисмоний салоҳиятини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимини виртуаллаштириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. “Ижтимоий соҳани такомиллаштириш ва бу борадаги ислохотлар билан алоқадор бўлган идоравий ахборот тизимлар, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги ҳам бу борадаги ишларимиз ривожига ҳалал бермоқда”². Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга қарамасдан, хизматлар соҳасида ечимини кутаётган муаммолар етарли. Жумладан, йўл бўйи инфратузилмасининг

¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1923783/>

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. Б. – 201.

хорижий мамлакатлар стандартларига жавоб бермаслиги, инновацион тадқиқот натижаларининг хизматлар соҳасида татбиқ этилмаётганлиги ва бошқалар.

Тадқиқот ишларида аниқланишича биргина, йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш орқали Республика бўйича 700 млрд. сўмлик қўшимча хизматлар яратиш имкони мавжуд. Жумладан, 150 дан ортиқ туман ва шаҳардан ўтадиган 10 минг киллометрли йўлда 400 дан зиёд йирик сервис объектлари учун эҳтиёж мавжуд¹.

Виртуал хизматларни ривожланиши соҳада янги иш ўринларини яратади, қўшимча даромад топиш имкони пайдо бўлади. Аҳолининг расмий ишдан ташқари бўш вақти кўпаяди, транспорт харажатлари қисқаради. Умуман олганда ушбу хизмат турининг имконияти кенг. Япония, Германия, Жанубий Корея мамлакатларида виртуал хизматлар жадал ривожланган аҳолининг кўплаб қисми ушбу соҳада банд. Виртуал хизматларни ривожланганлик даражасини билишимизнинг бир қанча белгилари бор. Биринчиси, рақамли иқтисодиётга асосланганлиги, иккинчиси, ЯИМ таркибида хизматлар ҳажмининг 60-65 фоиздан ошганлиги, учинчиси, аҳоли истеъмол харажатлари таркибида хизматларларга қилинган харажатларнинг улуши 60 фоиздан кам бўлмаслиги, тўртинчиси, иқтисодиётда банд аҳолининг 70 фоиздан ортиғи хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлиши, бешинчиси, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши, олтинчиси, экспорт товар ва хизматлар таркибида хизматлар улушининг кўпайиши ва бошқа кўрсаткичлар билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида шунини таъкидлаш зарурки, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва тегишли дастурларни қабул қилиш тўғрисидаги қарор минтақавий инновацион ривожланиш учун янги вазифаларни қўяди, яъни, ахборот, институционал ва тадқиқот таркибий қисмларига эга инновацион инфратузилмани яратишдир. Ушбу вазифалар ўз навбатида, алоқа воситаларини янгилаш, илмий-тадқиқот институтлари негизида ташкил этилиши керак бўлган ҳудудий маълумотларни қайта ишлаш марказлари ва ваколат марказларини яратиш муаммоларини келтириб чиқаради. Бугун мамлакатда ҳам, ҳудудлар миқёсида ҳам рақамли иқтисодиётни шакллантириш вазифасининг мураккаблиги давлат ҳал қилувчи роль ўйнаши керак бўлган институционал инновацион муҳитни шакллантиришни тақозо этади. Шунингдек, ҳудудда рақамли иқтисодиёт концепциясини ҳаётга татбиқ этувчи лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиши учун нафақат инновацион менежмент муаммоларини, балки, ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ИТ, инновациялар ва иқтисодиётни рақамлаштириш соҳасида кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш зарурати пайдо бўлади.

<p style="text-align: center;">З.Мухаммедова</p> <p style="text-align: center;">Возможности использования инструментов электронной экономики в формировании виртуализированной инновационной инфраструктуры сферы услуг</p> <p>Аннотация. В статье рассмотрена необходимость формирования виртуализированной инновационной инфраструктуры сферы услуг, прежде всего, совершенствования ее организационных механизмов, а также установления свободных рыночных отношений между ними.</p> <p>Ключевые слова: виртуальные услуги, электронная экономика, виртуализированная инновационная инфраструктура, интеграционные коммуникации, цифровизация экономики.</p>	<p style="text-align: center;">Z.Mukhammedova</p> <p style="text-align: center;">The possibility of using electronic economy tools in the formation of virtualized innovative infrastructure of the service sector</p> <p>Abstract. The article examines the need to form a virtualized innovative infrastructure for the service sector, primarily improving its organizational mechanisms, as well as establishing free market relations between them.</p> <p>Keywords: virtual services, electronic economy, virtualized innovative infrastructure, integration communications, digitalization of the economy.</p>
---	---

¹ <http://svspb.net/novosti/rejting-innovatsionnoye-stran>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.